Биография

Насим Маматов



Насим Маматович Маматов 1919 йилда Фарғона область Ленинград районида туғилди. Бошланғич маълумотни қишлоқда олди. 1937 йилда Қўқондаги Пахтачилик рабфакини битириб, Тошкент Давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт факультетига ўқишга кирди. 1939 йилнинг охирида институтнинг 3-курсидан ихтиёрий равишда Қизил Армия сафига кирди; Улуғ Ватаи урушининг фронтида бўлди, жанговар хизматлари учун бир орден, уч медаль ва қўмондонликнинг қатор ташаккурномаларини олди.

Н. Маматов 1946 йилнинг охирида гвардиячи лейтенант унвони билан армия сафидан қайтди ва Ленинград район партия, комитетида ҳарбий бўлим мудири бўлиб ишлай бошлади, кейин Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тил ва адабиёт факультетиниг сиртқи бўлимида қолдириб кетган ўқишини давом эттирди; 1949 йилдан ўқитувчилик қила бошлайди. Н. Маматов аввал Ленинград районидаги, кейинчалик Қўқон шаҳридаги мактабларда ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради.

1931—54 йилларда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти аспирантурасида ўқийди, 1954—55 йилларда эса Ўзбекистон Давлат ўқув-педагогика нашриётида муҳаррир бўлиб ишлайди. 1955 йилда Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг академиги, филология фанлари доктори, проф. К. К. Юдахин раҳбарлигида «Ўзбек тили пахтачилик терминологияси» деган мавзуда диссертация ёқлайди. 1955—58 йиллар давомида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг луғат секторида илмий ходим бўлиб ишлайди, бу ерда «Ўзбекча-русча луғат» (1959) ни тузишда фаол қатнашади.

1958—62 йилларда Андижон Давлат педагогика институтида, 1962—64 йилларда эса Қўқон педагогика институтида ҳозирги замон ўзбек тилидан дарс беради, айни пайтда шу институт бошланғич таълим методикаси кафедрасининг мудири бўлиб ҳам ишлайди. 1960 йилда унга доцентлик унвони берилади.

Олим 1964 йил сентябрдан яна А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг луғат секторида катта илмий ходим бўлиб ишлай бошлайди. Н. Маматов шу кунгача 40 босма лист атрофида илмий иш эълон қилган.

Асарлари:

1962

Фурқат асарлари лексикасининг баъзи хусусиятлари. «Андижон педагогика институтининг илмий асарлари», VIII чиқиши, Андижон.

Увайсий чийистонлари. «Шарқ юлдузи» журнали, 9- сон, Тошкент.

1963

Пахтачилик луғатини тузиш ҳақида баъзи мулоҳазалар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 3- сон, Тошкент.

Увайсий. (Девон, ҳамкорликда), Тошкент.

1964

Пахтачилик терминларининг қисқача изоҳли луғати. Тошкент.

1966

Терминнинг таърифи ҳақида баъзи мулоҳазалар. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1-сон, Тошкент.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.